# СССРнинг 1990 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ

**КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил 24 майда бўлиб ўтган Пленуми СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программасини маъқуллади. Қуйида программанинг баёни эълон қилинмоқда.**

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Энди мамлакатимизнинг юксак даражада ривожланган ишлаб чикарувчи кучлари, қудратли илғор индустрияси, юксак даражада механизациялаштирилган йирик қишлоқ хўжалиги мавжуд. СССРда ривожланган социализм жамияти барпо этилди. Эришилган муваффақиятлар социалистик тузумнинг буюк афзалликларини ва жуда катта имкониятларини ишонарли тарзда яққол кўрсатиб турибди.

Инсон тўғрисида, шахснинг ҳар томонлама ва уйғун равишда камол топиши учун тобора қулай шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиш партия билан Совет давлатининг диққат марказида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Кейинги уч беш йиллик мобайнида бу соҳада катта-катта тадбирлар амалга оширилди. Меҳнат ҳақи даражаси қарийб икки баравар ўсди. Ижтимоий истеъмол фондларидан аҳолига берилган тўловлар ва имтиёзлар 2.8 баравар кўпайди, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар икки ҳисса ошди. 160 миллиондан кўпроқ совет кишиси ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, аҳолига маиший хизмат янада ривож топди.

Совет кишилари кенг социал-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга — меҳнат қилиш ва дам олиш, уй-жойли бўлиш, бепул маълумот олиш ва медицина хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар, улар жамият ва давлат ишларини бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Совет гражданларининг ҳуқуқлари СССР Конституцияси билан гарантияланган.

Совет кишиларининг мамлакат экономикаси доимий ўсишини таъминловчи ҳалол меҳнати уларнинг турмуш даражасини оширишнинг асосидир. Кейинги уч беш йилликнинг ўзида халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари 3,2 баравар кўпайди, миллий даромад 2,4 баравар ўсди. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари узлуксиз кўпайиб борди, фан-техника тараққиёти суръатлари жадаллашди.

Мамлакатнинг ҳозирда барпо этилган иқтисодий ва илмий-техникавий потенциали коммунистик қурилишнинг кенг кўламли янги вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради.

КПСС XXVI съезди социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг кенг программасини ишлаб чиққанида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш вазифасини биринчи ўринга қўйди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан бу вазифани ҳал этиш учун СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилди, бу программа партиянинг яқин ўн йилликдаги иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир.

# I. Агросаноат комплексини ривожлантиришнинг асосий якунлари ва вазифалари

КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил тарихий март Пленумида ишлаб чиқилган ва шундан кейинги Пленумларида, КПСС XXIII—XXVI съездларида ривожлантирилган аграр сиёсат йўлини изчиллик билан амалга ошириб келаётган Коммунистик партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтиришни таъминлаш соҳасида катта иш қилди.

Мамлакат экономикасининг самарадорлигини ошириш асосида агросаноат комплексининг моддий-техника базаси анча мустаҳкамланди.

# IV. Агросаноат комплекси тармоқларини транспорт, тара ҳамда ўров материаллари билан таъминлаш

— Озиқ-овқат программасининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани ҳал этиш учун қуйидаги тадбирлар белгиланди.

Ўн йилликда қишлоқ хўжалигига 3000—3060 мингта юк автомобили ва 3200—3300 мингта трактор прицеплари ажратиб берилсин. Колхозларга, совхозларга ҳамда саноатнинг озиқ-овқат тармоқлари корхоналарига 110—116 мингта сут ташувчи машина ва 50—53 мингта қора мол ташийдиган ярим прицеплар етказиб берилсин. Қанд-шакар ва суюқ шакар, тирик балиқ, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, пиво ва минерал сувларни ташиш учун озиқ-овқат саноати ҳамда балиқ хўжалиги тармоқларига ихтисослаштирилган автотранспорт етказиб бериш кўпайтирилсин.

Ўн йилликда агросаноат комплекси тармоқлари ҳамда умумий фойдаланишдаги транспортга 76—78 мингта автомобиль-рефрижератор етказиб берилсин. Темир йўллар министрлигига 29—30 мингта рефрижератор ва изотермик темир йўл вагонлари ажратилсин.

Темир йўл транспортида — агросаноат комплекси тармоқларига хизмат қилишни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар амалга оширилсин, қишлоқ хўжалик юклари ва озиқ-овқатни ташишда фойдаланиладиган вагонлар парки структураси яхшилансин.

Ҳаво транспортида — янги узилган сабзавот ва хўл мевани ташишни, биринчи навбатда Сибирь ва Узоқ Шимолнинг олис районларига ташиш ҳажмини ошириш таъминлансин.

Денгиз транспортида — озиқ-овқат юкларини ташишни тўлиқ таъминлаш мақсадида Болтиқ, Қора денгиз ва Узоқ Шарқ ҳавзаларида шундай юкларни ташиш учун ихтисослаштирилган комплекслар ташкил этилсин.

Дарё транспортида — қуйи Волга районларидан мамлакатнинг саноат марказларига сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти етказиб бериш муддатлари қисқартирилсин. Кемалар боғлаб қўйиладиган жойлар ҳамда дарёлар атрофида сабзавот-мева базалари янада ривожлантирилсин.

Автомобиль саноати министрлиги ўн биринчи беш йилликда Кутаиси автомобиль заводида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган йилига 20 мингта автопоезд ишлаб чиқариш қувватини, шунингдек, Урал автомобиль заводида 7—8 тонна юк кўтарадиган, ноқулай йўллардан бемалол ўта оладиган 10 мингта автомобиль ишлаб чиқарадиган қувватларни яратсин.

Ўн биринчи беш йилликда сочиладиган ва суюқ комплекс ўғитларни ташиш учун ихтисослаштирилган транспорт воситаларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган автомобиллар конструкцияларини янада такомиллаштириш таъминлансин. Мавсумий ихтисослаштирилган кузовларни ишлаб чиқиш ва яратиш жадаллаштирилсин.

Оғир ва транспорт машинасозлигида минерал ўғит ва оҳак материаллари ташийдиган ўзи туширадиган ва ихтисослаштирилган цистерналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун йилига 6—7 мингта вагон (цистерна) ва йилига 2 минггача изотермик рефрижератор вагонлари ишлаб чиқарадиган қувватлар яратилсин.

РСФСР Кемасозлик саноати министрлиги ва Дарё флоти министрлигига 1983—1990 йилларда 90 та сабзавот ташийдиган дарё кемаларини қуриш, кичик дарёларда махсус транспорт воситалари ишлаб чиқиш ва қуришни жадаллаштиришни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

СССР Госплани ва СССР Госснаби саноат, савдо ва қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат тармоқларининг **идишларга ва ўрайдиган идишларга** бўлган эҳтиёжини таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширсинлар. Алюминий, ламинирланган қоғоз, фольга, полимер ва бошқа прогрессив материаллардан идишларнинг янги турларини ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

1990 йилга бориб қадоқланган озиқ-овқатнинг асосий турларини ишлаб чиқариш умумий сотиладиган ҳажмнинг 60—70 процентига етказилсин.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоқларида тайёр маҳсулотларни ўрайдиган механизациялашган поток линияларни жорий этиш жадаллаштирилсин.

Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозликда ўн биринчи беш йилликда қат-қат букланган ва текис картонни қайта ишлайдиган юқори унумли ускуна ишлаб чиқиб, уни ишлаб чиқаришга киришилсин. Сутни, алкоголсиз ичимликлар ва пивони қуядиган, шунингдек, озиқ-овқат молларини қалоқлайдиган ва ўрайдиган универсал, юқори унумли автомат линияларни яратиш ва ўзлаштириш таъминлансин.

Станоксозлик саноатида полиэтилен тараси тайёрлаш ҳамда маҳсулотни плёнкадан транспорт пакетларига ўраш учун ускуналар ишлаб чиқариш таъминлансин.

# V. Озиқ-овқат программасини амалга оширишда илм-фан ролининг кучайиши

СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Фанлар академияси, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, бошқа министрликлар ва идораларга 1982—1990 йилларда фан-техника ютуқларини агросаноат комплекси тармоқларига жорий этишни жадаллаштириш ва илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш топширилди.

Тармоқ ва зонал илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари негизида ташкил этиладиган илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғи ривожлантирилсин. Ушбу ишлаб чиқариш бирлашмаларида колхоз ва совхозларни юқори репродукцияли кўчатлар ҳамда зотли қорамоллар билан таъминлаш учун сортли ва гибрид уруғликлар ва зотли қорамоллар етиштириш марказлаштирилсин.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни янада такомиллаштириш, концентрациялаш ва хўжаликлараро кооперациялаш, меҳнатни ташкил этиш ва пировард натижалар учун уни рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини жорий этиш юзасидан илмий асосланган тавсияномаларни практикани умумлаштириш негизида ишлаб чиқилсин.

Деҳқончиликда қўлланиладиган индустриал технология талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик экинларининг янги сортлари ва гибридлари бўйича олиб бориладиган ишлар кучайтирилсин. Атроф-муҳитнинг ноқулай омилларига бардошли, юқори сифатли, касалликлар ва зараркунандаларга чалинмайдиган янги навлар яратиб жорий қилинсин. Бу навлар қуйидагича потенциал ҳосилдорликка эга бўлсин: Кузги буғдой камида гектаридан 80—90 центнердан ҳосил берадиган бўлсин; лалми буғдой 45—60 центнердан, калта пояли кузги жавдар, кузги ва лалми арпа 55—65 центнердан; гибрид маккажўхори су-

Ўн йилликда 100—110 минг гектар майдондаги ерларнинг суғорилиши таъминлансин. Данғара чўлида ерларни ўзлаштириш давом эттирилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи тармоқлар тез суръатлар билан ривожлантирилсин. Ўн йилликда мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш камида 1,7 баравар кўпайтирилсин.

**Арманистон ССР**да ўн биринчи беш йилликда йилига ўртача 240—260 минг тонна ва ўн иккинчи беш йилликда 310—330 минг тонна миқдорида узум, шунга мувофиқ равишда 310 минг тонна ва 320—340 минг тонна миқдорида дон етиштирилиши таъминлансин.

Ўн йилликда сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш 1,2 баравар, мева ва резавор мева етиштириш 1,7 баравар, ҳамма турдаги ем-хашак етиштириш 1,4 баравар кўпайтирилсин. Ўн биринчи беш йилликда ҳар йили етиштириладиган ўртача гўшт миқдори (сўйилган вазнда) 95 минг тоннага ва ўн иккинчи беш йилликда 120—122 минг тоннага, шунга мувофиқ равишда сут етиштириш 520 минг тонна ва 570—590 минг тоннага етказилсин. Моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш алоҳида эътибор берилсин.

Ўн йилликда камида 60 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин, 120 минг гектар яйловга сув чиқарилсин.

Озиқ-овқат саноати тармоқлари қувватлари оширилсин. Ўн йилликда мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилсин.

**Туркманистон ССР**да пахта, айниқса унинг ингичка толали навларини етиштиришни муттасил кўпайтира бориш билан бирга полиз экинлари маҳсулотлари, майиз, хўраки узум ва лимон етиштириш ҳамда уларни мамлакатнинг саноат марказларига етказиб бериш анча кўпайтирилсин.

Ўн биринчи беш йилликда сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштириш ўртача 555 минг тонна ва ўн иккинчи беш йилликда 790—850 минг тонна, шунга мувофиқ равишда узум 100 — 110 минг тонна ва камида 270 минг тонна, дон 380 минг тонна ва 450—480 минг тонна бўлиши таъминлансин. Табиий яйловлардан янада самаралироқ фойдаланиш, озуқабоп экинлар самарадорлигини ошириш тадбирлари амалга оширилсин. Ҳамма турдаги ем-хашак етиштириш ўн йилликда 1,5—1,6 баравар кўпайтирилсин.

Ўн биринчи беш йилликда йиллик ўртача гўшт етиштириш (сўйилган вазнда) 90 минг тонна ва ўн иккинчи беш йилликда 110—111 минг тонна миқдорида, сут 325 минг тонна ва 360—370 минг тонна бўлиши таъминлансин.

Қорақум канали қурилиши тугаллансин. Ўн йилликда 180—190 минг гектар суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин ва 8,4 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин.

Ўн йилликда мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш 1,9 баравар ва ўсимлик мойи ишлаб чиқариш 2,7 баравар кўпайтирилсин.

**Эстония ССР**да барпо этилган сут чорвачилиги потенциалидан ва Бекон кондициясидаги чўчқаларни етиштириш тажрибасидан фойдаланиб ўн биринчи беш йилликда ҳар йили ўртача 210—215 минг тонна ва ўн иккинчи беш йилликда 235—240 минг тонна миқдорида гўшт, шунга мувофиқ равишда 1,2—1,3 миллион тонна, 1,3 ва 1,4 миллион тонна миқдорида сут, 1400 —1450 минг тонна ва 1500 — 1600 минг тонна миқдорида дон етиштирилиши таъминлансин. Ўн йилликда картошка ялпи ҳосили 1,2 баравар, ем-хашак етиштириш эса 1,4 баравар кўпайтирилсин.

170 минг гектар майдондаги ерларнинг захи қочирилсин. Ўн йилликда давлат ресурсларидаги хом ашёдан гўшт ишлаб чиқариш 1,3 баравар ва пишлоқ ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпайтирилсин.

# IX. Социалистик мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантирилиши

Узоқ муддатли аниқ мақсадни кўзлаган программа асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, хом ашёни қайта ишлаш ва ундан рационал фойдаланиш соҳасида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар билан ҳамкорлик кучайтирилсин.

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ем-хашакка аралаштириладиган қўшимчалар, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш учун ва айниқса, ем-хашак тайёрлаш ва уни молларга беришга ҳозирлаш учун, боғ ва токзорлардаги ишларни, сабзавотни йиғиштириб олишни механизациялаш учун машина ва ускуналар, кичик ҳажмли техникани ҳам қўшиб ишлаб чиқаришда кооперациялаш ва ихтисослаштириш изчиллик билан ривожлантирилсин.

Қишлоқ хўжалик экинларининг янги серҳосил навлари ва гибридларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уруғлик ва кўчат етиштириш, моллар ва паррандаларнинг янги линиялари ва зотларини яратиш, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг генофондларидан фойдаланиш соҳасида илмий-техника ҳамкорлиги ривожлантирилсин.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоғи корхоналарини холодильник ва омбор хўжалигини модернизация қилиш ва реконструкциялаш соҳасидаги ҳамкорлик кенгайтирилсин. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг прогрессив технологияси бўйича деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тажрибасидан кенг фойдаланилсин.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатлар социалистик иқтисодий интеграциясини ҳар томонлама чуқурлаштириб, совет халқи ва қардош социализм мамлакатлари халқлари фаровонлигини янада ошириш манфаатларини кўзлаб ҳамма турдаги озиқ-овқатларни етиштиришни кўпайтиришнинг қўшимча имкониятлари қидириб топилсин.

* * *

СССРнинг озиқ-овқат программаси совет кишиларининг туб ҳаётий манфаатларига мос келади. Унинг бажарилиши меҳнаткашлар фаровонлиги янада ўсишини, совет жамияти коммунизм йўлидан олға қараб ҳаракат қилишини таъминлайди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат проблемасини тубдан ҳал этиш учун ҳамма зарур нарсалар мавжуддир. Социалистик планли экономиканинг жуда катта имкониятларидан, энг аввало барпо этилган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш потенциали ва агросаноат комплекси бошқа тармоқлари потенциалидан ана шу мақсадлар йўлида оқилона фойдаланиш гоят муҳимдир.

Партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифаси барча меҳнат коллективларининг куч-ғайратини озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Иттифоқдош Республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари озиқ-овқатнинг ҳамма турларини етиштиришни кўпайтириш бўйича конкрет тадбирларни ишлаб чиқишлари, ана шу йўналишда ташкилотчилик ишларини кучайтиришлари, СССРнинг озиқ-овқат программаси топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасини кенг авж олдиришлари, бу программанинг қандай амалга оширилаётганлиги устидан ҳар томонлама, таъсирчан назорат ўрнатишлари керак.

КПСС Марказий Комитети совет кишилари озиқ-овқат программасини ўзларининг жонажон ишлари сифатида қабул қилиб, озиқ-овқат етиштиришни қисқа муддатларда анча кўпайтириш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирди.

